| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ<br>АНДИЖОН ВИЛОЯТИ<br>MChJ “Kafolat-lyuks” аудиторлик ташкилоти<br>Андижон шаҳри, 1-кичик даха 26 А уй 14 хонадон. | | REPUBLIC OF UZBEKISTAN<br>ANDIJAN REGION<br>THE AUDITING FIRM<br>“KAFOLAT-LUX”<br>Andijan City, 1-region, |
|---|---|---|

**“Бўз” пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 2016 йил молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказилиши юзасидан**

**Ижобий фикр билдирилган**

# АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

## Текширилаётган корхона тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Андижон вилояти, Бўз шахарчаси А.Икромов кўчаси 14 уй

ИНН-200263522

ОКОНХ-17111

Ҳисоб рақами 20210000700279308001 АТБ“Агробанк” Бўз бўлими

(МФО-00053)

Телефон:

## Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар

Юридик манзили:

Андижон шаҳри, 1 кичик даха, Фурқат кўчаси 26а-уй 14 хонадон

ИНН-202 468 881

ОКОНХ-84400

Ҳисоб рақами 20208000203715469001, АТ “Халкбанки” Анд вил. амалиёт бўлими (МФО-00649)

Телефон: Директор: +99891 360-19-73

Факс:0 374 226-04-15, электрон почта: kafolat-lyuks@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 февраль куни 457-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 март куни 00315-сонли “Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказиш” бўйича лицензия берилган

Ташкилот директори Турғунов Кобулжон Турсунович 2015 йил 28 февралда берилган 05291-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга

Андижон-2017 й

| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ MChJ “Kafolat-lyuks” аудиторлик ташкилоти Андижон шахри, 1-кичик даха 26 А уй 14 хонадон. | | REPUBLIC OF UZBEKISTAN ANDIJAN REGION THE AUDITING FIRM “KAFOLAT-LUX” Andijan City, 1-region, |
|---|---|---|


## Хулосанинг асосий ва якуний қисми

Мен, МЧЖ шаклидаги “Kafolat-Lyuks” аудиторлик ташкилоти аудитори Н.И.Лутфуллаев (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 11 июнда берилган 05389-рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) ўзаро тузилган шартномага асосан “Бўз” пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 1-шакл “Баланс”, 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисобот, 4-шакл “Пул оқимлари тўғрисида” ги ҳисобот, 5-шакл “Хусусий капитал тўғрисида” ги ҳисоботдан иборат 2016 йил молиявий ҳисоботларини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги:** “Бўз” пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ 2016 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботларининг тайёрланиши ва хаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги:** Берилган аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси учун аудит ташкилоти жавоб беради. Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз , «Бўз” пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Аудиторлик текшируви Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолияти миллий андозалари (АФМА) талабларига мувофиқ ўтказилди. АФМА молиявий ҳисоботларни жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражада ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади.Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр:** Бизнинг фикримиз бўйича, “Бўз” пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг 2016 йил учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ҳамда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади..

*Асл нусхаси ҳаққоний хисобланади* Берилган сана 2017 йил 15.05.2017

**MChJ shaklidagi “Kafolat-Lyuks” аудиторлик ташкилоти директори:** **К.Турғунов**

**Аудитор:** **Н.Лутфуллаев**

Андижон-2017 й